

ШАРТНОМА № 203

« 21 » декабрь 2022 йил

Фаргона шаҳри

SOFUNA МЧЖ номидан раҳбари **С. Мамадализода** бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи ва иккинчи томондан «Харидор» деб юритилади **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фаргона филиали** номидан раҳбар **Р.Расулов** куйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	Суммаси ҚҚС билан
1	Китоблар учун шкаф. Ўлчами: 1800*800*350 мм	дона	20	990 000	19 800 000	19 800 000
2	Стол 1 тумбалик. Ўлчами: 1200*600*750 мм	дона	14	680 000	9 520 000	9 520 000
3	Кийимлар учун шкаф. Ўлчами: 1800*800*470 мм	дона	40	1 450 000	58 000 000	58 000 000
4	Тумбочка ётоқхона учун. Ўлчами: 500*450*400 мм	дона	160	290 000	46 400 000	46 400 000
5	Юмшоқ мебеллар тўплами. Ўлчамлари: стандарт асосида (1 дона диван, 2 дона кресло)	дона	2	6 900 000	13 800 000	13 800 000
	Жами					147 520 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: **147 520 000 (Бир юз қирқ етти миллион беш юз йигирма минг) сўм.**

ҚҚС 19 241 739,13 (Ўн тўққиз миллион икки юз қирқ бир минг етти юз ўттиз тўққиз) сўм 13 тийин

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдоридан пул утқиши йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро қилишилган ҳолда қушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга қиргандан сўнг товарни 1 (бир ой) муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос қилиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Товарлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган товар қисман етказиб бермаса харидор яни бюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган маҳсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5% миқдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги маҳсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорида жарима тўлайди.

8.4 «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунида огохлантириши шарт.

9.3. Огохлантириш хати (почта) орқали юборилади.

9.4. Агар баргараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бири-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибиде ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «21» декабрдан 2022 йил «31» декбаргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга кириди.

XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупцияни олдани олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита узи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олиншига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради,

4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиш, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинсий фасолятдан олинган даромад экаплагги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий ағалик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлидигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибуторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нибатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нибатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар

Бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида

фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарии тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»
SOFUNA МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Тошлок тумани

Тел./факс 91 123 66 00

х/в: 20208000705081253001

Банк номи : Трастбанк Фаргона ш.

МФО: 01123 СТИР: 306449298

«Буюртмачи»

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт унверситети Фаргона филиали

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фаргона шаҳар, Кимёгарлар кучаси 9-уй

Тел./факс (94) 4408331

ш/хр: 100021860304017094100135001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 307975862

ОКОНХ _____

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Молия вазирлиги Ҳазначили

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент

ш ХККМ МФО 00014

ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: С. Мамадализода



(имзо)

М.Ў.

Рахбар: Расулов Р



(имзо)

М.Ў.

Юрист:

Хушқудат Худайбердиев